



Анги йилнингиз билан!

# ЖАМИЯТ

№ 51-52 (728)  
2020 йил  
25 декабрь,  
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2006


Чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru



**“Х” вариант”  
“Паравоз”,  
“Бункер”** Бепоён кон  
**сахроси оралаб...**



**кўчада қоляпмиз!”**

**“ЖАМИЯТ”ТА ОБУНА БЎЛИНГ –  
ЖАМИЯТ БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!**

**Обуна индекси - 131**

*“Жамият” газетасига  
обуна давом этмоқда.  
Обуна “Ўзбекистон почтаси”  
АЖ ва “Матбуот тарқатувчи”  
АКнинг барча бўлимларида,  
шунингдек, обуна уюштирувчи  
хусусий ташкилотлар томонидан  
қабул қилинади.*

**Тўғридан-тўғри ўзимиздан обуна бўлиш унданда қулай!**

**ҚИСКА  
САТРЛАРДА  
ЎҚИНГ!**

“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишони таъсис этилди.



# Сайловолди ваъдалар бажариляптими?

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2019 йил 22 декабрдаги Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда берган ваъдалари бугун қай даражада бажарилаётгани юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбирда маълумот берилишича, ўтган вақт давомида партиянинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурининг 42 та банди ижро қилинди. Шундан, 16 та вазифа Қонунчилик, 11 таси Президент фармони ва қарорларида, 4 таси Вазирлар Маҳкамаси ва вазирликларнинг қарорлари ҳамда 4 та вазифа regulation.gov.uz муҳокамалар порталига жойланган ҳужжатларда ўз аксини топди.

2020 йил давомида парламентда депутатлар томонидан 11 та қонун лойиҳаси ташаббускорлик ҳуқуқи асосида киритилган бўлса, уларнинг 9 тасида партиянинг фракция аъзолари иштирок этди. Бундан ташқари, битта яхлит қонун лойиҳаси фракция томонидан ташаббус қилинди.

Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларини аҳолининг фикрини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадида партия фракцияси 26 та қонун лойиҳасини жойларда муҳокама қилди. 5 та қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасидаги масъул кўмиталарга қайтарилди.

Жумладан, ҳисобот даврида Миллий гоя концепцияси лойи-

ҳаси тайёрланди. Партиянинг гоиларини тарғиб қилиш мақсадида “Миллий алла фестивали” танлови ўтказилди, жойларда 1100 дан ортиқ тарғибот талбирлари, давра суҳбатлари ва очик мулоқотлар ташкил қилинди.

Йил давомида Тошкент шаҳрида “Ўзбек тилининг рақамли лингвистик ресурсини яратиш истиқболлари “XXI аср-хақ рақис”, “Бухоро жилолари” ҳамда Самарқанд шаҳрида Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 145 йиллиги муносабати билан “Миллий ўзликини англашда жадидчилик ҳаракати ва Маҳмудхўжа Бехбудий маънавий меросининг ўрни ва аҳамияти” мавзуларида республика илмий-амалий конференциялари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига “Ўзбек тилидаги маълумотлар базасини кенгайтириш ва тажриба мактабини ривожлантириш бўйича” ва “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини юксалтириш ҳамда аҳолининг Ўзбек тили саводхонлигини ошириш бўйича” асосланган тақлифлар тақдим этилди.

Худудий партия ташкилотла-

ри томонидан жойлардаги маданий мерос объектлари ўрганилди ҳамда 143 та маданий мерос объектини туризм маршрутларига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига партиянинг тақлифлари тақдим этилди.

ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва номоддий маданий мероси рўйхатида киритилган ҳамда киритилиши режалаштирилган объектлар ўрганилди. Натижада янги 3 та моддий ва 9 та номоддий маданий мерос объектларини киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига партиянинг тақлифлари тақдим этилди.

“2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ялпи йиғилишида “Миллий тикланиш” ДП фракцияси томонидан “Эл-юрт умиди” фондига 30 миллиард сўм эмас 62,5 миллиард сўм ажратилиш, мактабгача таълим тизимидаги педагогларнинг маошини 20 фоизга ошириш тақлифлари берилди. Шунингдек, фракция аъзолари мактаблар куриш, тақлифини илгари сурдиларки, ушбу тақлифлар қонун лойиҳасида ўз аксини топди.

Фракция аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги” ҳамда “Реклама тўғрисида”ги қонунларининг Тошкент шаҳри ва Жиззах вилоятидаги ижроси ўрганилди. Ана шундай тадбирлар хулосаси асосида фракция йиғи-

лишларида 174 та қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан сессияларга 295 та масала киритилди, доимий комиссиялар йиғилишларида 691 та масала кўрилиб, 929 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди.

Тадбирда партиянинг коронавирус пандемияси даврида олиб борилган саъй-ҳаракатлари хусусида ҳам сўз борди. Таъкидланишича, “Биз, қалбдан биргामиз” шиори остида ҳомиёлар ва ходимларни 2 кунлик иш ҳақидан Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларидаги табиий офатни баратараф этишга 100 миллион сўмлик қурилиш материаллари ҳамда Сирдарё вилояти “Сардоба” сув омборидаги талафотдан жабр кўрган аҳолига 791 миллион сўмлик кийим-кечак, дори, озиқ-овқат маҳсулотлари етказилди. “Ижтимоий кўмак” акцияси доирасида 960 та хонадонда яшовчи кам таъминланган оилалар, касалманд фуқароларга 35 миллион 760 минг сўм миқдорда дори-лармон ва антисептик воситалар, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. “Саховат ва кўмак” умуммиллий ҳаракати доирасида партия депутатлари, ходимлари, фаоллари 25,8 миллиард сўмдан ортиқ хайрия ёрлами кўрсатилди.

Тадбир давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга партия раҳбарияти ва фаоллари томонидан етарлича жавоб олишди.

**Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
“Жамият” мухбири

## Депутат фикри

# Корхоналарни тугатиш эмас, тузатиш керак!

тиш ва қарздорга фойда келтирмайдиган битимларни ҳақиқий эмас деб топши ҳам корхонани соғломлаштиришда муҳим.

Агар муҳокамага қўйилган қонун лойиҳаси қабул қилинса, қўловга қобилиятсизликнинг соғломлаштириш таомиллари орқали иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш чоралари кенг қўлланилишига шароит яратилади. Тўловга қобилиятсизликнинг соғломлаштириш таомиллари қўлланилган корхоналарда жорий солиқ тўловларини тўлаш тўхтатилади. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда қарздор раҳбари ва бошқа шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилади. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда қарздор тузган битимлардан бош тортиш, уларнинг ҳақиқий эмаслиги шартлари тартибга солинади. Суд бошқарувчилари ўз мажбуриятларини бажаришда қўшимча ҳуқуқларга эга бўлиб, улар фаолияти натижалари рағбатлантирилади.

Жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги ҳамда улуш киритиш асосида қурувчиларнинг тўловга қобилиятсизлиги амалиёти жорий этилади.

Энг муҳими, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш ҳамда хорижий инвесторларни жалб қилишда талбиркорлик муҳити жозибadorлигини оширишга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, биз корхоналарни тугатиш эмас, тузатиш тарафдоримиз. “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишдан қўзланган мақсад ҳам аслида шунга йўналтирилган.

**Ҳазраткул ХУЖАМҚУЛОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

# “Юрт ободлигига дахлдормиз”

**“Адолат” СДП Тошкент вилояти Кенгаши “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ билан ҳамкорликда партиянинг “Юрт ободлигига дахлдормиз” лойиҳаси доирасида Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ шаҳар филиалида маданий-маърифий тадбир ташкил этди.**

Унда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши вакиллари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, комбинат ишчи-ходимлари, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат музыкали театри жамоаси ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Очиқ ва самимий суҳбат тарзида ўтган тадбирда санъаткорлар йиғилганларга бугунги кунда юртимизда маданият ва санъат, хусусан, театр санъатида берилаётган эътибор ҳамда гамхўрлик ҳақида сўз борди. Тадбирда саҳна асарларидан парчалар ва турли бадиий чиқишлар намойиш этилди.

Тадбир сўнггида корхонада фаолият олиб бораётган 100 нафарга яқин ишчи-ходим партия аъзолигига қабул қилинди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари Оҳангорон тумани “Қуюн” маҳалласида “Хотин-қизларга эътибор — ижтимоий барқарорликнинг муҳим омили” мавзусида учрашув ўтказди. Унда маҳалланинг аёллар масалалари бўйича маслаҳатчилари, руҳшуннос-психологлар ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

— Партия вакиллариининг ҳар бир хонадонга кириб, оилалар билан суҳбатда бўлиши, уларнинг ҳолидан хабар олиши, оғирини енгил қилишга бел боғлашган, — дейди “Қуюн” МФЙ фуқароси Саида Раджапова. — Ишчи гуруҳ ташаббуси билан маҳаллараримизда яшовчи кам таъминланган, кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган 20 га яқин оилга партия фаоллари томонидан озиқ-овқат ва кийим-кечаклар тарқатилди. Биз уларга чин кўнгилдан ташаккур деймиз.

**Фотима САТТОВА,**  
Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот котиби

**Яхши ниятлар билан очилган корхона нега иқтисодий ночор ҳолатга келиб қолади? Корхона раҳбарлари қандай хатога йўл қўйишди? Ёки иқтисодий билим ва салоҳияти етишмаслиги панд бердимми? Халқ ибораси билан айтганда “ғишт қолипдан кўчганда” эмас, балки корхона фаолиятини бошлаган пайтдаёқ бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрилса, фойдадан холи бўлмайди.**

Бир қарашда корхона иқтисодий ночор ҳолатга келиб қолганда уни тугатиб юбориш осондек туюлади. Аммо ходимларнинг иш ўрнини йўқотиши, ҳамкор ташкилотлар ўртасида низо чиқиши масалани янада жиддийлаштиради. Тан олиш керак, бу борада иқтисодий ночор корхоналар ва тадбиркорлик субъектларини молиявий инкироз ҳолатидан олиб чиқиш, улар фаолиятини қайта тиклаш ҳамда соғломлаштириш масалаларида амалдаги қонунчилик нормалари ва жорий тартиблар етарлича самара бермаётти. Шу боис, депутатларимиз томонидан “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасида тўловга қобилиятсизликнинг соғломлаштириш таомиллари-

ни ўтказиш жараёнида вуҷудга келган жорий солиқ тўловларини ҳисоблашни тўхтатиб туриш ва жараён муддати яқунлангандан сўнг тўлаш амалга оширилиши, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида тижорат банклари, молия ташкилотлари ва бошқа манбаларнинг маблағлари жалб этилиши муаммони ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, соғломлаштириш режаларида олдиндан қарздорликнинг қанча қисмини қоплашни кўзда тутиш, қарздорнинг мол-мулкани сотиш назарда тутилган бўлса, кредиторлар розидиги билан унинг нархини босқичма-босқич 50 фоизгача тушириб боришга рухсат берилиши ҳам корхона учун анчагина енгилликлар беради. Қарздор тузган битимларни бажаришдан бош тор-



Ташқи савдо юкларини божхона назорати остида ташиш тартиби соддалаштирилади.



# “ТАЛАБАЛИГИМИЗ УЧУН КЎЧАДА ҚОЛЯПМИЗ!”

- Алло, ассалому алайкум...
- Ва алайкум ассалом!
- Квартира бор, деб эълон берилган экан..?
- Ҳа, қайси бири?
- Юнусобод 19 даги икки хонали квартира.
- Ҳа, мебелларнинг ҳаммаси бор, янги “ремонт” қилинган, “новостройка”.
- Ака, бориб кўздан кечирсак, бўладими? Биз талабалармиз.
- Талабаларга берилмайди. Қорақамнишда битта бор талабаларга, 350 доллар...
- Қимматроқ экан-да...
- Бошқа жойни кўринглар.
- Ҳўп, узр...



стипендиямиз ҳам ижара ҳақи олдида «қалтираб» қолади. Шу кунларда биз талабалар квартира ахтариб, шу даражада хўрлигимиз келиб кетдики, “талабаликни орзу қилардим, одам ўрнида ҳам кўришмас экан”, деган гап хаёлларда “ғимирлаб” қолди.

“Ҳатто, студентларга ҳам...” руқни остидаги эълонларга разм солсангиз, баъзиларида, ҳатто, гилам ҳам йўқ, деворларига қараб бўлмайди. Ҳа, “ҳатто, студентларга ҳам”, деганидан маълум бўлганидек, талаба аҳлига оддий одам сифатида қаралмаслигига дуч келасиз. Ё гапим нотўғрими?

Кечагина биттаси билан гаплашдик. Квартира нархи 200 доллар эканини айтди. Унинг устига ўша даллол аёлга 100 доллар берарканмиз. Квартирани бориб кўришимиз

чиқиб кетамиз, ё ҳайдаламиз, тамом. Борар жойимиз йўқ. Бошпанамиз эса очиқ осмон ости. Ана энди олдимизда икки йўл: ҳам ишдан, ҳам ўқишдан воз кечиб уйимизга бош олиб кетиш ёки бўлмаса, ижарага уй топилгунча кўчаларда хор бўлиш...

Ҳаётни қаранг, фақат шафқатсизликдан иборат. Биринчи йўлни танласак, уйда на интернет яхши ишлайди, на биз дарс қила оламиз. Иккинчи йўл эса бу совуқда касалликлар орттириб олишимиз тайин.

Косага тушган сичқондек ҳаммамиз жонсарақмиз, кимдир таниш-билишларга қўнғироқ қилган, кимдир интернетдаги эълонларга бирма-бир қараб чиқиш билан овора. Қани энди бир бошпана топилса, ҳафсаламиз пир бўлиб, «нима қиламиз», деган ўй ич этимизни кемирарди. Ҳаммамиз толиқдик. Тушлик ҳам қилмаганмиз, биринчи навбатда шу иш ҳал бўлсин, дердик.

Ва ниҳоят иккита вариант чиқди. Иккаласи ҳам Юнусобод 14 дан. Иккиси билан гаплашиб, 1 соат ичида бориб кўриб, ҳам уй эгаси билан гаплашиб қайтишни режа қилдик. Кўнгил бироз жонсарақликдан чекина бошлади. Соат 14:42 тушликка ҳаракатни бошлаб юбордик. Соат уч яримларга яқин режа қилинган икки уйни қўришга икки киши чиқиб кетдик. Биринчисини кўрдик, ёмон эмас, тинч жой, ҳам даллол аралашувисиз. Фақат, битта бизга оғир тарафи, икки ойлик тўловни олдиндан беришимиз керак экан. Қийналиб қолмаслик учун ҳозир 200 долларни нақд бериб, қолган 200 долларни эса ойнинг иккинчи ярмигача беришимизни айт-

дик. Кўнмади. Зўра бошланишда 300 ва ой ярмигача қолган юзни беришга кўндирдик. Иккинчи уй бизга хуш келмади. Негаки, унга даллол аралашуви кўшилиб, биринчи ойга 350 доллар берармишимиз. Э, қойил. Адолатни қаранг!

Хотиржамликни юзга кийиб, шериклар ёнига қайтдик ва кўчишга тайёргарлик кўра бошладик. Ҳаммамиз хурсанд, чунки бугун кўчада қолмаймиз-да.

Нарсаларимизни бир жойга тўлаб, кетишга шай тургандик, борадиган уйимизнинг эгаси кўнғироқ қилиб қолди. Айтишича, уйга бошқа даввогарлар чиққанмиш, улар икки ойлик пулни — 400 долларни бирдан берармиш. Ичимиз “шув” этди. Наҳотки, лафзидан тоняпти бу одам...

Телефонда гаплашарканмиз боягина шартлашган шартларимизга таҳрир тиғи етди. Ой ярмигача берамиз деган 100 долларни икки кун ичида тўлаб беришимиз керак. Шартлашишга шартлашдик, аммо қандай тўлаймиз. Э, майли муҳими, кўчада қолмаймиз, бош омон бўлса, пул топилади дедик...

Мана, янги уйга ҳам жойлашиб олганимизга 3 кун бўлди. Лекин бу ерга келганимизгача қарзга ботиб кетдик. Энди долларни қандай тўласак экан-а?

Достонбек БАХТИЁРЗОДА,  
ЎзЖОКУ талабаси

Мана, неча кундирки, сарсон-саргардонмиз. Кунимиз ижарага уй излаш билан бошланиб, шу йўсинда ақулланади. “OLX.uz” ва телеграмдаги каналлардан ҳам, Чилонзорда-

**Ноябрь ойининг сўнгги кунини. Ҳозирги турган квартирамиздан чиқишимиз керак — ё ўз хўрматимизни билиб чиқиб кетамиз, ё ҳайдаламиз, тамом. Борар жойимиз йўқ. Бошпанамиз эса очиқ осмон ости.**

ги “Уй бозор” номланмиш очкўз даллоллар маконигача ҳамма жойдан қидирамиз, қани энди кўнғилдагидек уй чиқса... Бизга ёққанининг нархи осмон бўлса, нархига ҳам тўғри келмайдиган осмондан бироз пастроқ нархланган уйлarning девор ва томидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Тагин 200 ёки 250 долларда нархланади.

Ўлганнинг устига тепгандан баттар қилиб, “маклер” аталмиш нафс қироллари 50 фоиз хизмат ҳақи талаб қилади. Адолатсизликни қаранг! Олаётган

са ҳам ортага қайтишимиз учун яна 20 минг тўлармишимиз. Керакмас, дедик. Оддий талаба бўлсак. Яхши маошли ишда ишламасак. Ота-онамизнинг қўлига қараган бўлсак. Алам қилгани, ўтган давр мобайнида ойлик маошим 1 миллион сўм бўлса ҳам, тинмай ишладим. Бу текинхўр даллоллар эса ишламасдан, мендан кўп пул топяпти.

Ноябрь ойининг сўнгги кунини. Ҳозирги турган квартирамиздан чиқишимиз керак — ё ўз хўрматимизни билиб

## Фирибгар фош этилди

**Айёрлик билан фирибгарликнинг ораси бир қадам. Биринчисидан иккинчисига ўтиш жуда осон: айёрликка ёлғон кўшилса, тап-тайёр фирибгарликдир, деб ёзган эди француз ёзувчиси Жан де Лабрюйер. Дарҳақиқат, текин даромадга эга бўлиши, меҳнатсиз бойлик орттириш фирибгарларга хос. Улар содда, ишонувчан, етарли ҳуқуқий билимга эга бўлмаган кишиларни ўз “тузоғи”га илинтириб, мўмайгина даромадга эга бўлишади.**

Бунга мисол, 1986 йили Зангиота туманида туғилган фўмар Дилмурод Халисов тумандаги “Хонободтепа” маҳалласи Хонободтепа кўчаси 73 уйда истиқомат қилади. У фойдали меҳнат фаолияти билан шуғулланмасдан, жиноят содир этиш йўлига кириб, “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар” туркумига кирувчи фирибгарлик ҳамда “Бошқарув тартибига қарши жиноятлар” туркумига кирувчи пора бериш жиноятини содир этган.

У 2019 йил июнь ойининг ўрталарида ўзганинг

мол-мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, моддий бойлик орттириш мақсадида таниши тергов ҳаракатлари жараёнида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган Ориф исмли шахс билан жиноий тил бириктирган. Улар Сирдарё вилояти Сардоба тумани “Бирлашган” маҳалласида яшовчи Ирисгул Холмуродованинг ишончига кирган. Унга гўёки, Чирчиқ шаҳрида “Ҳарбийлар мактаби” борлиги, у ерда ишловчи танишлари орқали Ирисгулнинг ўлимини ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилган. 400

АҚШ доллари ва 230 минг сўм миқдордаги жами 3 миллион 661 минг 344 сўм пулни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, олган маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Шундай қилиб Дилмурод Халисов ўзининг қасддан содир этган ҳаракатлари билан фирибгарлик, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатлари орқали ЖКнинг 168 моддаси 2 қисми “б” бандида кўрсатилган жиноятни ҳамда ЖКнинг 28, 211 моддаси 1 қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

Жиноят жазосиз қолмади. 2020 йил 5 декабрь кунини жиноят ишини кўриб чиқиш учун жиноий ишлар бўйича Зангиота тумани судига юборилди.

**Х.ЎРИНОВ,**  
Зангиота тумани  
ИИБ хузуридаги  
Тергов бўлими бошлиғи,  
подполковник




Ушбу саҳифа Олий Мажлис хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Жамият — ислоҳотлар ташаббускори” Давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланди.



“Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти” тасдиқланди.

# Ўз ўрни ва эга таржимон сўзига



**Инсоният ижтимоий ва халқаро ҳаёт соҳаларида эришган ютуқларининг аксарияти таржималар туфайли экани сир эмас. Чунки таржима асрлар давомида тиллар, ёзувлар, адабиётлар, луғатлар ҳамда тафаккур тараққиётига сезиларли таъсир қилиб, ҳар қандай соҳа юксалиши гарови бўлиб келган. Шу боис ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай юртда таржима ишлари алоҳида эътибор берилган.**

халқ эртаклари) сарлавҳали бу китобга “Муқбил тошотар”, “Олтин балиқ”, “Тилла қовун”, “Қорасоч пари” эртаклари киритилган. 1991 йили эса таржимон немис халқ эртақларини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича “Чўлпон” нашриётидан буюртма олиб, Л.Бекштайн, В.Муззус, О.Лудвиг каби немис эртақшуносларининг 100 га яқин эртаклари таржимасини “Етти оққуш” сарлавҳаси остида 25 минг нусхада чоп эттиради.

Бироқ бу жараён турли юртларда турлича кечган. Хусусан, Ўзбекистон мустақиллигига чабўлган даврда Фарб ва Шарқ мамлакатлари адабиётларини ўзбек тилига таржима қилиш асосан рус тили орқали амалга оширилган.

Юртимиз мустақиллиги арафасида ўзбек тили “Давлат тили” мақомига эга бўлиши эса таржималарни ўзга тиллардан ўзбек тилига, ўзбек тилидан ўзга тилларга бевосита амалга ошириш имкониятини берди. Натижада, ўша пайтдаёқ Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида ана шу ишларни йўлга қўйиш учун “Таржима маркази” ҳам

мис тили факультетининг ёш олимларидан бири, мен эса шу факультетнинг биринчи курс талабаси эдим. Гарчанд мен ўқиган гуруҳда дарс бермаган бўлса-да, ўз соҳам бўйича бу олимдан кўп нарсаларни ўрган, маслаҳатлар олиш ва ҳатто, хонадонда йиллар давомида йиғилган ноёб китоблардан фойдаланиш имкониятига эга бўлганман.

Кейинчалик таниқли таржимашунос Гайбулла Саломовга (1932-2000) шогирд бўлишимга ҳам шу олимнинг маслаҳатлари сабаб бўлган.

Орадан анча йиллар ўтди. Хуррам аканинг китобсеварлиги ҳам,

**“Хуррам Раҳимов асли сармарқандлик, германистика бўйича дастлаб Тошкентда таҳсил олган, кейинроқ эса Москвада, австриялик услубшуносолима Элизе Риезел раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Германист сифатида у услубга оид тадқиқотлар, матбуот ва публицистика назарияси ва амалиёти, шунингдек, немисча-ўзбекча ва ўзбекча-немисча таржималар билан шугулланади”.**

ташқил этилган. Ўша пайтда бевосита таржима ишларига қўл урган мутахассислардан бири немисшуно олим Хуррам Раҳимов эди.

Менимча, бу олим ва таржимон ўз касбига алоқадор соҳаларда амалга оширган ишлари алоҳида эътиборга лойиқ. Улардан хабардор бўлиш ҳар бир юртдошимиз, айниқса, хорижий тиллар, маданиятлараро мулоқот, таржима, адабий алоқалар соҳасида фаолият юритадиганлар учун фойдалан холи эмас. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтадиган бўлсак, “Адабий ҳамкорлик — абадий ҳамкорлик”. Бундай ҳамкорлик кўп жиҳатдан таржима ишлари билан чамбарчас боғлиқлигини сира инкор этиб бўлмайди.

Ўйлаб кўрсам, Хуррам акани 1985 йилдан буён билар эканман. Ушанда у киши собиқ ТД-ЧТПИ (ҳозирги ЎзДЖТУ) не-

япти, эътироф этипти. У орқали жаҳон аҳли Ўзбекистонни, унинг меҳнатсевар, меҳмондўст, баррикент, тинчликсевар халқини кўпроқ тушуниш имкониятига эга бўляпти. Буларнинг бари у киши ҳақиқатдан ҳам ўз соҳасининг устаси эканию, таржима ва маданиятлараро мулоқот соҳаларида амалга ошираётган ишлар билан чамбарчас боғлиқ.

Хуррам ака 1990 йили тўртта ўзбек халқ эртагининг немис тилига таржимасини “Ўқитувчи” нашриётда 25 минг нусхада чоп эттиради. Немисчани чет тили сифатида ўрганаётган ўқувчиларга мўлжалланган “Usbekische Volksmrchen” (Ўзбек

Шундан сўнг Хуррам ака таниқли таржимашунос Ф.Саломовга шогирд бўлиб, собиқ ТошДУда (ЎЗМУ), Москва ва Тбилисида таржима илми соҳасидаги докторлик иши бўйича изланишлар олиб борган. 1995 йилдан бошлаб, у “Либерти”, “Савоб-Эмтекс” немис-ўзбек қўшма корхоналарида иш юритувчи таржимон лавозимида фаолият юритади. 1998 йилнинг ноябридан Х.Раҳимов илмий-ижодий ва педагогик фаолиятини Низомий номи ТДПУ доценти лавозимида давом эттиради. Бу орада у ака-ука Якоб (1785-1863) ва Вилхелм (1786-1859) Гриммларнинг эртақларини немисчадан ўзбекчага таржима қилиб, улардан 34 тасини 2001 йилда “Asalari qirolichasi” сарлавҳаси билан “Чўлпон” нашриётда 15 минг нусхада чоп эттиради.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Гриммларнинг эртақлари айни пайтгача катта ва кичик ҳажмда 190 га яқин тилга таржима қилинган. Касселдаги ака-ука Гриммлар музейдан Хуррам аканинг таржималари ҳам жой олган.

Таржима соҳасида мана шундай филокорона фаолияти 1999 йилда Хуррам ака Фрайбург университети этнографи Габриеле Келлер билан илмий-ижодий ҳамкорлик ўрнатилишига сабаб бўлади. Бу ҳақда Келлер хоним қайд этган куйидаги мулоҳаза эътиборга лойиқ:

“Ўзбекистонга сафарларим чоғида, тегишли изланишлар

рим юзасидан турли жойларда ва турфа кишилар ҳузурнда бўлганимда Хуррам Раҳимов номини қайта-қайта эшитардим. Ўзбек дўстларим менга бу олим ўз ватани эртақларини немис тилига ва аксинча, немис эртақларини ўзбекчага таржима қиладиган ягона киши эканлигини ўқитишарди. Баъзи ўзбеклар уни, ҳатто, туғишган ака сифатида билардилар. Мен ўшанда ўзбек тилидаги “ака” сўзи хурмат маъносини ҳам англисчани билмасдим. Ҳар ҳолда у ўша пайтларда қаерларда бўлиши мумкинлигини аниқлаб олишнинг иложи бўлмади. Маълумотлар Тошкент ва Самарқанд атрофида ва бошқа шаҳарларга бориб тақаларди, хуллас, менга бари аниқ бир киши эмас, афсонавий шахс ҳақида кетаётгандай туюларди”.

Келлер хоним яна шундай маълумот беради:

“Хуррам Раҳимов асли сармарқандлик, немисшуносолик бўйича дастлаб Тошкентда таҳсил олган, кейинроқ эса Москвада, австриялик услубшуносолима Элизе Риезел раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Немисшуносо сифатида у услубга оид тадқиқотлар, матбуот ва публицистика назарияси ва амалиёти, шунингдек, немисча-ўзбекча ва ўзбекча-немисча таржималар билан шугулланади”.

Шундай қилиб, ўшанда Келлер хоним магнит тасмасига ёзиб олган ўзбек халқ эртақларини Х.Раҳимов немисчага таржима қиладиган бўлган ва шу тарзда икки халқ олимлари ўртасида ҳамкорлик ришталари боғланган.

Шу ҳамкорлик катта ишларга туртки бўлган. Хусусан, “Mitsen aus Samarkand” (Самарқанддан эртақлар) немис тилига таржима қилиниб, Германияда кўп марта

нашр этилган. “Frauenkultur in Usbekistan” (Ўзбекистонда аёллар маданияти) мавзудаги расмлар кўргазмаси, 2000-2005 йилларда Ўзбекистонда, 2001-2002 ва 2006 йилларда Германия, Швейцария ва Бельгияда намойиш этилган. Бу рўйхатни узоқ давом эттиришимиз мумкин.

Х.Раҳимов эътироф этишича, бу ишлар рўёбга чиқишида у кишининг турмуш ўртоғи, истеъодли шоира Шарифа Салимованинг ҳам катта ҳиссаи кўшилган. Таржималарнинг илк муҳаррири ва танқидчиси ҳам шу ижодкор аёл бўлган.

Айни пайтда Х.Раҳимов ЎзДЖТУда фаолият олиб бориш билан бирга, Фрайбургдаги немис-ўзбек илмий жамиятининг ҳамда Ўзбекистон немис тили ўқитувчилари ассоциациясининг раиси вазифасини ҳам бажариб келмоқда.

Фидойи олимнинг таржимонлик фаолиятидаги муҳим ишларидан яна бири Алишер Навоий газалларининг немисча таржималаридир. Уларни чоп эттириш шу буюк мутафаккир таваллудининг 580 йиллиги кенг миқёсда нишонланадиган 2021 йилга режалаштирилган.

Мана шундай кенг миқёсдаги эзгу ишлар орқали Ўзбекистонни, унинг башарият тамалдунига улкан ҳисса қўшган алломаларини, багрикент ўзбек халқини дунёга танитаётган, маданиятлараро мулоқотда ўз ўрни ва сўзига эга юртдошимиз борлиги билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. 2021 йилнинг 4 январида 70 ёшга қаршилаётган бўлса-да, илму-ижод бобида шижоатли йўқотмай, кўплаб касбдошу шогирдларига ўрнатган Х.Раҳимовни, шу муборак ёш билан самимий табриқлаб, у кишига саломатлик, бахт-омад ҳамда илмий-ижодий зафарлар тилаймиз.

**Одилжон САФАРОВ,  
ЎзДЖТУ мустақил тадқиқотчиси, доцент**



Талабаларнинг аграр соҳадаги бизнес-стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича инновацион ташкилотлар ташкил этилади.

# “Кумуш тола” ли опа

**Каттақўрғон туманидаги “Кумуш тола” корхонаси мамлакатимиздаги ипакчиликка ихтисослашган дастлабки хусусий жамоалардан бири. Унинг ташкил топиши ипакчилик соҳасининг моҳири, “Шухрат” медали соҳибаси Марям Ниёзова саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ.**

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, тadbиркорликка кенг йўл очилган чоғларда Марям опа кўпдан ўйлаганлари, аммо йиллар давомида амалга оширишнинг имкони бўлмаган истакларини юзага чиқаришга интилиди. Тожикент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил олган, шу олийгоҳнинг ўзида илмий ходим бўлиб ишлаган, кейинчалик Каттақўрғон пахта тозалаш заводида 30 йил фаолият кўрсатган Марям Ниёзова тadbиркор учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишдан муҳимроқ вазифа йўқлигини ҳис этди.


У ташкил этган “Кумуш тола” хусусий корхонаси дастлабки йилларда ижарага олинган бинода механик ускуналар ёрдамида иш бошлади. Ўша пайтда ишчилар сонини 10 кишига ҳам етмасди. Марям опа эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иш ўринларини кўпайтиришни ўйлади, корхона учун янги биналар барпо этишга бошчилик қилди. Корхонага замонавий ускуналар келтирди. Тинимсиз ҳаракатлар эвазига қабул қилинган хошомедан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиди. Ишчилар илгаригидек мавсум пайтидагина эмас, йил мобайнида ишлаш имкониятига эга бўлишди. Йиллар ўтиб, биргина Каттақўрғон тумани билан чегараланиб қолмай, бошқа худудлардан ҳам пилла қабул қилиш йўлга қўйилди. Бугунга келиб корхонанинг доимий ишчилари 150 нафарга етди. Бундан ташқари, ҳар йили пилла боқиш ва ҳосилни қабул қилиш вақтида 5 минг нафар атрофида мавсумий ишчи ҳам жалб этиляпти.

“Кумуш тола” ишчилари ва пилла етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлиги йилдан-йилга ошиб бораёпти. Корхонада 2017 йилда 5851 миллион, 2018 йилда 13023 миллион, 2019 йилда 18028 миллион сўмлик — уч йилда 36902 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2020 йилда эришилган натижа эса аввалги йиллардагига нисбатан анча салмоқли бўлди.

Марям опа ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, даромадини ошириш бора-

сида доим қайғуради. Бунинг учун бор имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Олинаётган даромаднинг бир қисмини ишчиларни моддий рағбатлантиришга ажратади. Шу билан биргаликда ободончиликка озодликка ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Марям Ниёзова 2014-2019



**Марям опа кўпгина халқро кўрғазмаларда қатнашган. Бундай тadbирларда у ҳамisha ишончли шериклар излайди, улар билан шартномалар тузади. Ана шундай ҳаракатлари туфайли бугун “Кумуш тола” Каттақўрғоннинг фаол экспортчи корхонасига айланди.**

Йилларда халқ депутатлари Каттақўрғон туман ва Самарқанд вилоят Кенгаши депутати сифатида бир қатор ишларни амалга оширди. У бу йилларда сайловчилар муаммоларини ўрганди, уларнинг ечим бора-сида жон койитди. Аҳолининг ночор қатламга моддий ёрдам кўрсатиш, ёшларни тadbиркорликка қизиқтириш йўлида гайрат-шижоатини аямлади.

Айнан шу йилларда “Кадан” ва “Мўндиён” маҳаллалари учун у 18 километр масофадан газ қувури тортиш, корхона атрофидаги ички йўлларга асфальт ётқизиш каби ишларнинг бошида турди.

Марям опа кўпгина халқро кўрғазмаларда қатнашган. Бундай тadbирларда у ҳамisha ишончли шериклар излайди, улар билан шартномалар тузади. Ана шундай ҳаракатлари туфайли бугун “Кумуш тола” Каттақўрғоннинг фаол экспортчи корхонасига айланди. 2017 йилда экспорт ҳажми 580 минг АҚШ долларини ташкил этганди. Оралдан бир йил ўтиб, бу кўрсаткич 1 630 минг АҚШ долларини ташкил этди. Ўтган йили эса 1934 минг АҚШ доллари миқдорига “Кумуш тола” маҳсулотлари экспорт қилинди. Жорий йилдаги натижалар

янада қувончли. “Кумуш тола” ипак толаси асосан Хитой, Покистон, БАА ва Эрон мамлакатларига жўнатилмоқда.

Марям опани экспортчи раҳбар сифатида республика тadbиркорлари, ипакчилик корхоналари жамоалари яхши билишади. 2017 йилда республика “Тadbиркор аёл уюшмаси” томонидан “Энг яхши экспортёр аёл” номиницияси бўйича биринчи даражали диплом билан тақдирланган эди.

Камтарлиги, меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги туфайли корхонадагина эмас, бутун туманда катта обрўга эга. 2019 йилда Марям Ниёзова ташаббуси билан Қозоқовул қишлоғида маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ва 30 ўринли меҳмонхона қурилди. Бунинг натижасида қишлоқнинг ўндан ортиқ хотин-қизи иш билан таъминланди. Шу йили футболни ривожлантириш жамғармасига 5,2 миллион сўм ҳоимийлик ёрдами кўрсатилди.

Ҳозирги пайтда Марям опа маҳаллаларда, таълим муассасаларида учрашувлар ўтказиб, ёшларни тadbиркорликка жалб этиш ҳаракатида бўлмоқда. Аҳолининг ночор қатламга моддий ёрдам кўрсатишни йўлга қўймоқда. Пандемия даврида корхона ишчиларининг ҳар бирига озик-овқат маҳсулотлари, иқтисодий ночор оилаларнинг 5 нафарига 500 минг сўмдан ёрдам пули тарқатди. “Саховат ва кўмак” фонднинг туман бўлимига корхона ҳисобидан 10 миллион сўм ўтказди.

Бундан сал аввалроқ “Кумуш тола” корхонаси таъсисчилигида туманда “Иброҳим қувувчи” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилган эди. Бу МЧЖ “Обод” маҳалласи ҳудудидаги фаолияти тугатилган болалар боғчаси биносини реконструкция қилди. Янги бинода тикувчилик цехи ташкил этилиб, 16та тикув-трикотаж дастоқлари билан жиҳозланди ва 20 та янги иш ўрни яратилди.

“Иброҳим қувувчи” қурилиш билангина шугулланиб қолмасдан деҳқончиликни ҳам йўлга қўйди. Ҳатто, қисқа вақтда экспортга ҳам чиқди. Масалан, 2018 йилда МЧЖ томонидан 23,1 минг АҚШ доллари қийматидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хорижга экспорт қилинди.

Айни пайтда корхонани янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида 1,5 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу лойиҳа ишга туширилиш арасида Марям Ниёзованинг кўп йиллик меҳнатлари қадрланиб, уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллачи, деган юксак унвонга лойиқ кўришди.

**Роҳила ШОМУРОВА,  
Каттақўрғон туман  
“Агропилла” МЧЖ  
раҳбари**

Президентимизнинг “Аҳолига давлат хизматларини кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тadbирлари тўғрисида” ги фармони соҳада муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур фармоннинг қабул қилиниши ҳозирги кунда, жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатишни янги сифат босқичига кўтаришга, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган гоёни ҳаётга татбиқ этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

## Халқ ишончини оқламоқ — бурчимиз

Юқорида келтириб ўтилган фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Бўка туман давлат хизматлари маркази томонидан юридик ҳамда жисмоний шахсларга “ягона дарча” тамойили бўйича, шунингдек, давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланиди” тамойилига кўра, зарур ҳужжат ва ахборотлар тегишли тузилмалардан мустақил равишда олиниши ҳисобига соддалаштиришни назарда тутувчи маъмурий регламентлар тасдиқланган. Натжида қулай ва шаффоф услублардан кенг фойдаланиб давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Авалло, шунини таъкидлаш керакки, 2018 йилнинг 1 апрелига қадар Давлат хизматлари марказлари орқали 37 турдаги, 2019 йил охирида эса 120 тур давлат хизматлари кўрсатиб келинган, бугунги кунда уларнинг сонини жисмоний ва юридик шахсларга 140 турдан ортиқни ташкил этмоқда. 2020 йилнинг ўтган даврида Бўка туман Давлат хизматлари маркази орқали 25 мингдан ортиқ хизмат кўрсатилди. Маълумот учун, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 16 мингтани ташкил этган бўлса, Ягона дарча маркази орқали 2017 йилда 1190 та давлат хизматлари кўрсатилган ҳолос.

Табиики, хизмат турлари кўпайган сари навбатлар сонини ҳам ортиб боради. Ҳозирда барча Давлат хизматлари марказларида электрон навбат тизими жорий қилинган бўлса ҳам ўз-ўзидан савол туғилиши мумкин, “Давлат хизматлари марказига бормай туриб ҳам навбат олишнинг имкони борми?” Албатта, бор. Мурожатчиларга қулай бўлиши учун онлайн режимда электрон навбат олиш имконияти яратилган бўлиб, ушбу тизим ДХМ электрон навбат платформаси билан интеграция қилинган. Навбатингизни Давлат хизматлари марказига келаятган пайтингизни ўзида мобил телефонингиз орқали олишингиз мумкин. Бу эса вақтни сезиларли даражада тежашга имкон беради. Бунинг учун фақатгина [www.davxizmat.uz](http://www.davxizmat.uz) сайтига кирсангиз кифоя.

Туманда 2020 йилнинг 1

декабрь ҳолатига кўра 987 та тadbиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган. Улардан 454 таси юридик шахслар, 533 таси якка тартибдаги тadbиркорлик субъектлари. Бундан ташқари, хорижий давлатлар тажрибаси мунтазам равишда ўрганилиб, соҳани ривожлантириш учун татбиқ этилмоқда. Хусусан, 2018 йилда Тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича “Doing Business” — глобал рейтингда Ўзбекистон 190 та давлат орасида 12 ўринга, амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида 2019 йилда Жаҳон банкнинг эълон қилинган “Бизнесни юритиш” рейтингининг “бизнесни рўйхатдан ўтказиш” индикаторида Ўзбекистон Республикаси 4 поғонага кўтарилиб, 190 та давлат ичида 8 ўринга муносиб кўрилган эди. Бу эса йил сайин ривожланиш бўлаётганининг яққол исботи, десак, муболаға бўлмайди.

Шунингдек, марказимиз томонидан туманнинг кўплаб худудларида аҳоли билан Давлат хизматлари марказининг вази-фаси, ўз олдига қўйган мақсадди, мазкур ташкилот фуқароларимизга қандай ёрдам бериши мумкинлиги ва албатта, давлат хизматларидан фойдаланиш маданияти тўғрисида мунтазам равишда кенг қўламли тарғибот тadbирлари амалга ошириб келинмоқда. Жорий йил бошида марказдан олиш худудларида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинлари, касб-ҳунар коллежлари ва мактабларда 2 та семинар, 3 та давра суҳбати, 7 та учрашув ташкил этилиб, уларда 250 нафардан ортиқ фуқаро иштирок этган. Фуқароларга жойига чиққан ҳолда 40 дан ортиқ сайёр давлат хизматлари кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, Давлат хизматлари соҳасида амалга ошириляётган чора-тadbирларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишига ва уларнинг қонуний манфаатлари ишончли таъминланишига хизмат қилмоқда.

**Қамолiddин АСҚАРОВ,  
Бўка туман давлат  
хизматлари маркази  
директори**



**Наввий вилоятида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриш инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.**



## Азиз Ватандошлар ва юртимиз меҳмонлари!

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки  
жамоаси Сиз азизларни яқинлашиб  
келаётган 2021 йил билан самимий  
муборакбод этади!**



**Янги йилда барча ўйлаган ниятларингиз  
амалга ошсин. Ўзбекистон осмонида доимо  
тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурсин!**

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки  
мижозлар учун барча турдаги кенг кўламли  
банк маҳсулотлари ва хизматларини  
таклиф қилади.**



Телеграм: <https://t.me/trustbankuz>

Фейсбук: <https://www.facebook.com/trustbank.uz>

Инстаграм: [https://www.instagram.com/trustbank\\_uz/?hl=ru](https://www.instagram.com/trustbank_uz/?hl=ru)

**“Трастбанк” – Ишонч билан юзма-юз!**

Call center: (+998 78) 140-00-88

Веб-сайт: [www.trustbank.uz](http://www.trustbank.uz)

Хизматлар лицензияланган.



Ўзбекистон Киото халқаро конвенциясига қўшилди.

# Бепоён кон саҳроси оралаб



**Конларда юришга мослашган автомобилларга чиқиб, унинг энг чекка хуудларига йўл олдик. Ҳар-ҳар жойда кўриниш бераётган юк машиналари коннинг ҳақиқий салобатини кўз ўнгимизда намоён этади. Ёмғир ёғаяпти. Кон хуудиди оддий автомобилларнинг юриши қийин. Бундай об-ҳавода махсус уловда туядек лўкиллаб, бепоён кон саҳросида ишлаётган машинаю ишчиларни кузатиб борамиз.**

Бу манзара — коннинг ҳақиқий ҳаёти, машаққати ва гўзал манзарасига “Олмалиқ КМК” АЖ томонидан “Йил якунлари, амалга оширилган ишлар ва келгуси йил режалари” мавзусида ташкил этилган медиа-турда гувоҳ бўлдик.

Медиа-турнинг асосий мақсади якунланаётган 2020 йилдаги мураккаб глобал пандемия шароитига қарамай,

юзимизга кўчган ҳолда мажлислар залида режада бажарилган ишлар юзасидан тайёрланган тақдирот — ҳисобот видеоролигини кўрдик. Корхонанинг иқтисодий ҳолатига коронавирус пандемиясининг таъсирини юмшатиш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини пайсатириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, ташқи сарфларни тежаш ҳамда

води ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Биринчи босқич амалга оширилиши натижасида комбинат томонидан маҳаллий хомашё-



дан олинган мис катодининг ҳажми 108 мингдан 290 минг тоннага, олтин 15 дан 38 тоннага, кумуш 96 дан 203 тоннага етказилишига эришилади.

Иккинчи босқичда 2022-2027 йилларда карьер кенгайтирилиши, шунингдек, йилига 50 миллион тонна рудани қайта ишловчи янги 4 Мис бойитиш фабрикаси қурилиши режалаштирилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 8 миллиард 275 миллион долларни ташкил этади.

— Бу йил бир қатор муҳим ишларни амалга оширдик, — дейди ОКМК акциядорлик жамияти бошқарув раиси Абдулла Хурсанов. — Комбинатимиз тарихида илк бор “Катта тўртлик” компанияси ҳамда халқаро аудиторлик ташкилоти “Эрнст & Йунг” (ЕЙ) томонидан комбинат молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартларга (МХХС) мувофиқ тайёрланган дастлабки консолидацияланган молиявий ҳисоботига аудиторлик хулосасини олишга эришгани қувонарли бўлди. Мазкур хулоса натижасида комбинат халқаро кредит рейтингини олиш ва «Ёшлик 1» конидаги инвестицион лойиҳаларни самарали молиялаштириш бўйича халқаро молия институтларини жалб қилиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, комбинат томонидан пандемия даврида аҳоли ва ишчи-ходимлар саноатлигини муҳофаза этиш

мақсадида 11 млрд. 209 млн. сўмлик маблағ ажратилди. Тошкент вилояти учун 7.762 млрд. сўмга 55 та тез ёрдамга мўлжалланган транспорт воситалари ва Олмалиқ шаҳри учун 3 дона “ИСУЗУ” русумли тез ёрдам автомобиллари сотиб олинди.

## Ходимлар доний рағбатда

Кондан чиқиб, комбинат томонидан ижтимоий объектларни таъмирлаш ва барпо этиш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга ошириляётганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, жорий йилда комбинат тасарруфидаги санаторий-профилактор тўлиқ реконструкция қилинапти. Бундан ташқари, Чирчиқ шаҳрида жойлашган санаторийда ҳам реконструкция ишлари бошлаб юборилди.

Комбинат спортни қўллаб-қуватлаш ва ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратади. Жумладан, футбол бўйича мамлакат суперлигасида тўп сурган АГМК ПФК ўз тарихида илк бор 3 ўринни эгаллаб, бронза медалига ва Ўзбекистон кубогига финалда иштирок этиб, Осиё чемпионлар лигасида ўйнаш имкониятига эга бўлди.

**Муроджон РАҲМАТОВ,**  
“Жамият” маҳорат мактаби тингловчиси



Муаллиф олган суратлар.

ОКМК нафақат ишлаб чиқариш, балки бошқа соҳаларда ҳам салмоқли натижаларга эришиб, қийин даврда ўзининг ишлаб чиқариш салоҳиятини барқарор сақлаб қолишга эришиш йўлида қилинган самарали ишларнинг натижалари ҳақида бўлди.

## Ҳаракатларнинг ёрқин самараси

Медиа-тур иштирокчилари — журналистларни “Олмалиқ КМК” АЖ Ахборот хизмати ходимлари кутиб олди. Биринчи гада экспонатларга бой “Металлургия” музейи билан танишдик. Нега йиллардан буён йиғиб келинган экспонатлар металлургия комбинатининг барча жабҳалари билан яқиндан танишишимизга дебача бўлди. Музейни томошча қилиб, кўнглимиздаги қувонч

ишчи-ходимларнинг саломатликларини муҳофаза этишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилган. Натижада бугун комбинат томонидан 2020 йилга белгиланган таҳдид ва экспорт режалари деярли ортиги билан бажарилган. Комбинатнинг бир неча корхоналари — Хонжиза кон бошқармаси, Ангрен кувур заводи, Чодак кон бошқармаси, Сари чўққи кони, Мис бойитиш фабрикасининг 2 та участкаси, Мис эритиш заводи меҳнат жамоалари йил якунига етмай, муддатидан аввал йиллик режани бажаришга муваффақ бўлишибди.

Махсус автобусимизда “Ёшлик 1” конига кириб бордик. Бизни бошлаб бораётган кончи мутахассисларнинг гапларига қараганда, мазкур лойиҳани икки босқичда амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, биринчи босқичда 2020-2024 йиллар давомида “Ёшлик 1” кони ўзлаштирилади ҳамда йилига 60 миллион тонна маъдани қайта ишловчи янги 3 Мис бойитиш фабрикаси қурилади. 2021-2025 йилларга мўлжалланган иккинчи босқичда эса Мис эритиш за-

## Бир ярим минг нафардан зиёд битирувчи ХОРИЖДА ўҚИЙДИ

**“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойил давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айлангани бежиз эмас, албатта.**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Рустам Холматов вилоят аҳлига мурожаат қилди. Сессияда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ва вилоят Кенгаши депутатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари ва журналистлар қатнашди.

Ташкилланганидек, жорий йилнинг ўтган даврида хуудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, 2020 йилда вилоятда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми 57,1 триллион сўмни ташкил этди. Ҳисобот даврида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳа-

жми 58 триллион 229 миллиард сўмга етиб, ўтган йилга нисбатан 103,9 фоиз ўсиш таъминланди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 11 триллион 976 миллиард сўм. Аҳолининг реал даромадлари эса ўтган даврда 26 триллион сўмни ташкил этиб, йил якунига қадар белгиланган режа 109 фоизга бажарилиши қутилмоқда.

2020 йил ҳудудда чорва бош сони 2019 йилга нисбатан 4 фоиз, парранда бош сони 14 фоиз, асалари қўтиси сони 4 фоиз ўсишга эришилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш эса 9 фоизга ўсди. Томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиялари ёрдамида 3 минг 894 гектар майдонда деҳқончилик қилинди. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Тошкент вилоятида 116 фоизга етди.

— Вилотимизда бугунги кун ҳолатига меҳнат ресурслари сони 1,6 миллион кишини ташкил этмоқда, — деди вилоят ҳокими Рустам Холматов. — Шундан иқтисодий фаол аҳоли 1 миллион 343 нафар бўлиб, банд аҳоли сони 1 миллион 193 минг кишини ташкил этади. Ишсизлик даражаси йил бошига нисбатан 1,9 фоизга камайишига эришилди. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақса-

дида вилоят бўйича 37 минг 661 та иш ўрни яратилиб, йиллик белгиланган прогноз 116 фоизга бажарилиди.

Вилоятдаги олий таълим муассасаларида ўқув жараёнларини хорижий олий таълим муассасалари дастурлари асосида ташкил этиш мақсадида биргина 2019-2020 ўқув йили давомида Германия, Жанубий Корея ва Россия давлатларида 30 нафардан ортиқ хорижий мутахассислар жалб этилди. Ёшларнинг таълим олиши учун яратилган кенг имкониятлар натижасида 2020 йилда 11 синф битирувчиларининг 1 минг 530 нафари хориждаги етакчи олий ўқув юртлирига ўқишга кирди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қувватли бўлади” деган тамойилдан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш учун янги имконият ҳамда имтиёзлар яратилмоқда.

Энг муҳими, қўзланган мақсадларга имкон қадар эришилди. Келгусидаги режалар ҳам шубҳасиз, бу йилги марралардан юқори бўлади.

**Гулҳаё ҲУСАНОВА,**  
“Жамият” маҳорат мактаби тингловчиси



Хуудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари янада ривожлантирилади.





# МИКРОКРЕДИТБАНК

*“Микрокредитбанк” АТБ жамоаси яқинлашиб келаётган Янги 2021 йил билан барга юртдошларимизни самимий табриклайди. Янги йил байрамингиз муборак бўлсин!*



## “МИКРОКРЕДИТБАНК МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ!”

**СИЗЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА ТЕЗ ВА ҚУЛАЙ БЎЛГАН  
“ОНЛАЙН ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИНИ”  
ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Ушбу кредитни БХМ 50 баробаригача “МКВ Mobile” иловаси орқали 12 ой муддатга расмийлаштириш мумкин.  
“Онлайн истеъмол кредити” скоринг таҳлили асосида суғурта полиси таъминоти билан оферта шартномасини тасдиқлаган ҳолда ажратилади.

Қўшимча маълумотларни банкнинг ҳудудий филиаллари,  
(71) 202-99-99 рақами ҳамда [www.mkb.uz](http://www.mkb.uz) сайтдан олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган





## “МАХАМ-ШИРСHIQ” АЖ

### жамоаси

*юртимиз аҳлини, меҳмонларини кириб  
келаётган Янги йил билан  
табриклайди.*

*— 2021 йилда барчангизга тинчлик,  
мустаҳкам соғлиқ, омонлик тилаймиз.  
Утаётган йилда амалга ошмай қолган  
орзуларингиз  
Янги йилда, албатта,  
ижобат бўлсин!*

## Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги жамоаси

*мамлакатимиз аҳолисини  
Янги йил билан муборакбод этади.  
Она Ватанимиз ободлиги, халқимиз  
фаровонлиги йўлида олиб бораётган  
эзгу ишларингизга  
муваффақиятлар тилайди.  
2021 йил ҳар бир хонадонга, ҳар  
бир гўшага қувонч ва шодлик  
олиб келсин!*





# Yangi 2021 yilingiz muborak!

 **AGROBANK**



Ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатдан ўтказиш тартиби белгиланди.





# ВМВ Trade Group

**“BMB Trade Group” жамоаси  
барча юрtdошларимизни  
Янги йил байрами билан  
муборакбод этади.**

**2021 йил оилаларимизга  
бахт-саодат, шодлик ва  
фаровонлик, қут-барака олиб  
келсин!**

**Қилаётган ишларимиз  
мамлакатимизга,  
оилаларимизга омад  
келтирсин!**

**Янги йилингиз қутлуғ бўлсин,  
азиз юрtdошлар!**



Ўқишини кўчириш бўйича ариза топшириш — ҳар йили 20 декабрдан кейинги йилнинг 20 январига қадар этиб белгиланди.

**Ўтган йили экранларга чиққан “Биринчи август” фильми куйидаги лавҳалар билан яқунланган: “2019-йил, 1 августдан бошлаб, Олий таълим тизими ва қурилиш соҳаларини коррупциядан холи ҳудуд сифатида шакллантириш бўйича ислоҳотлар бошланди. Бу ислоҳотларнинг натижаси сиз билан бизга боғлиқ!” Биринчи августда барча олий таълим даргоҳларига кириш тести топширилиши ҳаммага аён. Фильмнинг номланишидан ҳам экран асари мавзусини англаш мумкин.**

Дарҳақиқат, 1994 йилдан эътиборан олий таълим даргоҳларига кириш учун тест имтиҳонни топшириш жорий қилинди. Албатта, унчага амалда бўлган анъанавий имтиҳон усулидан воз кечилиб, бу хориж тажрибасини татбиқ этишдан мақсад таълим тизимидаги таниш-билишчилик ва коррупцияга чек қўйиш, абитуриентлар билимини холис, адолатли баҳолаш, муносиб ёшларни талабалikka қабул қилиш ва юқори малакали мутахассислар бўлиб етиштиришга эришиш эди. Ҳақиқатдан ҳам, бундай ёндашув яхши тайёрлар кўрган, фанларни пухта ўзлаштирган, билимли ўқувчининг ўз кучи билан ўқишга киришига кафолат беради. Юртимиздаги истаган олий таълим даргоҳи талабалари сафида юқори балл олиб, давлат гранти асосида ўқиш бахтига эришган оддий одамларнинг фарзандларини учратиш мумкинлиги фикримнинг далилидир.

\*\*\*

Дастлабки йилда тегишли фанлардан имтиҳонларда тушадиган тест саволлари вариантлари республика зилдиларининг “Маърифат” газетасида эълон қилингани ёлди. Кейин эса аввалги йилларда тушган тест саволлари тўпلامлари минг-минглаб алаҳда “Ахборотнома” шаклида нашр этила бошланди. Интернетдаги олий таълимда коррупцияга оид қайлар билан танишсангиз, орадан икки йил ўтар-ўтмас, тест марказидаги қаллобликларга доир йирик жиноят иши тергов қилиниб, марказ директорининг ўринбосари узок йиллик қамок жазосига маҳкум этилгани ва таълим соҳаси учун масъул бош вазир муовини лавозимидан четлатилгани, аммо кириш имтиҳонларидаги қаллобликлар ҳақидаги гап-сўзлар тинмаётганини фидоланган маълумотга кўзингиз тушадиган.

Чиндан ҳам шўро даврида текин лўқма ундириш дардига мубталолар тест имтиҳонларидан ҳам шахсий манфаатдорлик йўлларини топдилар ва тобора уюшган ҳолда юза олдилар. Тест марказида тайёрланган ва имтиҳон куни тушадиган савол-жавоблар акс этган “Х вариант” имтиҳондан бир неча кун олдин “кимлардир” томо-

нидан чиқарилиб, бегона кўзлардан холи жойларда ишончли ва аввалдан “нарх-навоси” пухта келишилган кишиларга пуланди. Бу орқаларида пулдор ота-оналари ёки нуфузли амалдор турган, билим даражаси саёз абитуриентларнинг тест саволларига тўғри жавобларни имтиҳондан олдинроқ ёллаб олишлари ёки “Х вариант”ни “йўлини қилиб”, имтиҳонга олиб киришлари имконини берди.

Лугатимиздаги “калла”, “бункер”, “паровоз” каби ифодалар ҳам мазкур жараёнда янгича маъно касб этди ва абитуриентларга бериладиган “ёрдам” шакллари ифодаловчи жаргон сўзларга айланди. Имтиҳон топшириши керак бўлган абитуриентнинг ўрнига ҳужжатлари сохташтирилиб, киритиб юборилган ундан кўра билимли “абитуриент”лар “калла”га, қабул комиссиясига бошқа абитуриентлар каби ҳужжат топширган ва имтиҳонда ўзининг тести ни эмас, балки аудиториядаги олдиндан келишилган бошқа, камиди икки-учта абитуриентнинг тестларини ечиб берадиганлар “паровоз”га нисбат берилди (“бункер”га изоҳни эса бироз куйироқда ўқийсиз). Булар кўпчиликка маълум ва имкон қадар йиллар давомида қўлланилган усуллар. Ма-шойиҳлар “Менинг нафсим балодур, ёнган ўтга солодур” дея нақл қилганлари сингари “давринг келганда суриб қол”, ва қабилда тинчини йўқотган ва бошқа антиқа йўлларини топиб, жараёнда фойдаланганлар ҳам бўлган.

Кўёсан айтганда, бу ўзига хос “индустрия” бўлиб, абитуриентларнинг тест имтиҳонидан фақатгина пухта билими, қобилиятига таянган ҳолда ўтишларини ташкил этиш ва назорат қилишга масъулларнинг ўзлари айрим олий даргоҳларда юқоридagi сингари сохтакорликлар, уюштирилганнинг бошида турдилар.

“Биринчи август”ги бир лавҳада фильм қаҳрамонларидан бири — олий даргоҳнинг чўнтак қаппайтириш домига тушган факультет декани ўзганининг ёрдамида грант асосида ўқишга кирган қизни қаланига чақиртириб тарих фанидан “Субҳонқулихон Тошкентни босиб олган йили

# “Х” вариант”, “Паравоз”, “Бункер”

Англияда қандай воқеа юз берган?”, “Карл Бисмаркнинг отаси нечанчи йили ҳукмронлик қилган?”, “1847 йили Витебск шаҳри қайси губерния таркибида бўлган?” каби тест саволларига жавоб беришни талаб қилади. Қиз ердан кўзини узолмагач, уларнинг жавобини ҳатто профессорлар ҳам билмаслигини деканнинг ўзи тан олади.

Пировардида “наҳотки, юқоридagi саволлар абитуриентнинг билим даражасини холис аниқлашда аҳамиятга эга бўлса”, деган ҳаёлга борасан, киши. Абитуриент, бўлажак олий маълумотли мутахассис учун бу маълумотларни билиш-билмасликнинг қандай фойдаси-ю зарари борлигини фаҳмлабмай энсангиз қотад. Ва беихтиёр кўнглингиздан “бундай саволлар тегишли фанни пухта ўзлаштирган абитуриентларни чалғитиш, иқтидорлари даражасида балл тўпламастиклари, аксинча, “Х” вариант”ни қўлга киритганларнинг тўғри жавобни белгилаш учун “кимлардир” томонидан атайдан киритил-мазмимкин”, деган мулоҳаза кечади.

\*\*\*

Ваколатли хавфсизлик, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан пора, ошпа-оғай-нигарчилик эвазига хуфиёна иш битириш, ўрнатилган тартиб-қондаларни четлаб ўтишга уринишлар йўлига тўсиқ қўйиш, ўрнатилган тартибга эид ҳаракатлар устиди ишлаш, айбдорларни қилмишларига яраша жазога тортиш чоралари кўрилганини ҳам таъкидлаш жоиздир. Улар томонидан қайсидир олий ўқув юртиларида кириш имтиҳонларида аниқланган қаллобликлар тўғрисида ҳар йили даврий нашрларда, ижтимоий тармоқларда ўқиш мумкин эди. Лекин ҳарчанд ҳаракат қилинмасин, мамлакатимиздаги барча олий тахсил даргоҳларида бир кун — 1 августда ўтказиладиган тест имтиҳонларининг шаффоф, адолатли ўтишини, старли даражада назоратини таъминлаш ниҳоятда қийин. Негаки, ўртага “кўк” ёки бошқа манфаатдорлик тикланган, фақатгина ҳожатманд ва ҳожатбардорларга маълум, пухта режалаштирилган келишувларнинг “иси” осонликча четга чиқмайди.

Шу сабабли коррупция пайини қирқиш, жараённинг очиклигига эришиш, абитуриентларнинг иқтидор ва билимини тўла намоён этишлари учун қулай имкониятлар яратиш мақсадида Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига биноан кириш тестларини ўтказишда бир қатор ижобий ўзгаришлар жорий этилмоқда. Бу чора-тадбирлар



чўнтак қаппайтириш дардига мубталоларнинг нопок хатти-ҳаракатларига жиддий тўсиқ қўймоқда, албатта.

Бирок очик айтиш керакки, йигирма йилдан ортиқ давом этган ва кириш тестларини ўтказишда тобора янги ниқобларда юз кўрсатган коррупциянинг жамиятда қолдирган асоратлари вақт ўтгани сари бошқача кўлам ва кўринишларда намоён бўлмоқда. Эндиликда уларнинг барҳам топишига эришиши ниҳоятда мушкул. Гап “калла”, “паравоз”, “бункер”лар ёрдамида ўқишга кирган, кейин ҳам домлаларнинг “қўлларини қиздириш” эвазига синов ва имтиҳонларни топширган, пулнинг кучини танасига сингирган айрим собиқ талабаларнинг олди диплом олиб, мутахассисликлари бўйича ишга жойлашганларига йигирма йилдан ошгани, кейингилари ҳам ўтган йиллар мобайнида турли соҳаларда фаолият юри-таётгани хусусида бормоқда. Ҳозир уларнинг айримлари катта-кичик масъул курсиларда ўтирганлари ҳам айни ҳақиқат. Бундай амалдорлар кадрлар масаласида шахснинг малакаси, ишчанлик қобилияти, нечоғлик масъулиятини ҳис этиши ва соҳага фойдаси тегишига қараб эмас, асосан ўзаро муносабатини, шахсий садоқатини, айни пайтда ва келгусида қандай манфаат кўришини ҳисобга олиб иш кўради.

\*\*\*

Ўзингиз холисона мушоҳада юритинг-чи, мактабни бир амаллаб тугатган фарзандини катта пора эвазига кириш имтиҳонидан ўтказтириб олий даргоҳ талабасига айлантира олган ота-онанинг қурби у қўлига дипломини олгач тагин пулнинг кучи билан яхшироқ ишга жойлаштириб қўйишга етмайди? Кейин ҳам мансаб пиллаполярлардан юқорикор кўтариллиши учун астойдил қайгурмайди? Талабалик пайтида курсдош ёки олдин-орқа ўқиб, ётоқхонада ёки ижарада бирга яшаб дўстлашиб кетган ва эндиликда турли лавозимларда ишлаётган бундай ёки синов ва имтиҳонларни топширган, пулнинг кучини танасига сингирган айрим собиқ талабаларнинг олди диплом олиб, мутахассисликлари бўйича ишга жойлашганларига йигирма йилдан ошгани, кейингилари ҳам ўтган йиллар мобайнида турли соҳаларда фаолият юри-таётгани хусусида бормоқда. Ҳозир уларнинг айримлари катта-кичик масъул курсиларда ўтирганлари ҳам айни ҳақиқат. Бундай амалдорлар кадрлар масаласида шахснинг малакаси, ишчанлик қобилияти, нечоғлик масъулиятини ҳис этиши ва соҳага фойдаси тегишига қараб эмас, асосан ўзаро муносабатини, шахсий садоқатини, айни пайтда ва келгусида қандай манфаат кўришини ҳисобга олиб иш кўради.

Кейинги йилларда турли соҳаларда фош этилаётган коррупция ҳолатлари юқоридagi сингари фаолият тарзининг, айрим собиқ талабалар олий ўқув даргоҳларини пулнинг кучи билан тугатганининг, виждони жигилдонга айланган амалдорлар иш юритувининг жirkanча оқибатлари эмасми?!

Таҳсил, катта ҳаётга кириш, меҳнат фаолияти давомида ҳар кимнинг ўзига инсоф бериб, зиммасига юклатилган вазифани виждонан бажарса, эл ишончини қозониши, ҳурматига сазовор бўлиши мақсад қилиб қўйса, аввало, мазкур соҳанинг, қолаверса



Хитойда соатига 350 км тезликда юра оладиган юк поезда ишлаб чиқарилди.

**ҲУҚУҚ**

# сурункали “дард”нинг бардавом асоратлари



жамиятнинг бахти. Лекин аксинча, фикру-зикри ота-оналари сарфлаган минг-минглаб “кўк”ни ўн, юз ҳисса чиқариб олиш, боз устига ҳою ҳавасларга эришиш билан банд бўлса, нафақат ишлаётган соҳалари, балки жамиятнинг ҳам шўри-дир.

Коррупцияга қарши идораларо комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишидаги чиқишда мамлакат Бош прокурори Н. Йўлдошев келтирган ва ижтимоий тармоқларда ёйинланган фактларни ўқиб ёқангизни тутишингиз аниқ. Битта мисол: “Арк булок” боғхона пости бошлиғи бошчилигидаги бир гуруҳ боғхона ходимлари пора эвазига турли субъектлар томонидан импорт қилинган товарлар қийматини пасайтириб кўрсатиб, давлат манфаатларига қарийб 9 миллиард сўм зарар етказган. Тергов жараёнида пост бошлиғининг уйда ўтказилган тинтувда, пора сифатида олинган 311 минг нақд доллар олинган. Бундан ташқари, жиноий йўл билан топилган пуллар эвазига Бўстонлик туманида 8 сотихли дала ҳовли қурганлиги, “Тошкент - сити” мажмуасидан 2 та хонадон ва битта нотураар жой ҳамда “Каптив” автомашинасини сотиб олганлиги аниқланган.

Яна бир мисол: Арнасой туман ҳокимининг ўринбосари «Оққуш ҳалол парранда» жамияти раҳбари Ж.га 10 гектар ер ажратиб бериш эвазига 13 минг доллар талаб қилиб, 2 минг доллар олганида қўлга тушган. Ер ажратиш жараёнида коррупциявий жиноятлари учун сўнгги икки йилда ҳокимликларнинг 22 нафар масъул ходимлари жавобгарликка тортилган. Мезёрий талабга

биноан ер ажратиш тўғрисидаги қарор ҳоким қўл қўйганидан сўнггина кучга кирди. Бирорта ҳоким бундай ҳужжат қандай асосларга эгалити, қанча сотих ёки гектар ер кимга берилётганининг тагига етмасдан уни имзолаши мумкинми? Наҳотки, ином-ихтиёр тегишли ўринбосар ёки кадастр бошлиқларига бериб қўйилган?! Ўринбосар ёки бошқа мутасадди аввал ҳокимнинг розилигини олмасдан туриб ер ажратиш хусусида кимгадир ваъда беришига ёки тегишли ҳужжатларни



тайёрашга киришишига шахсан менинг ишонгим келмайди.

Сабабсиз оқибат бўлмайди, деганларидек, турли иқтисодий жиноятлари билан жавобгарликка тортилганларнинг ўтмишига назар ташланган, аксарияти улгаётган муҳитда, олий даргоҳларда ўқитган пайтларидаёқ пул билан иш битиришнинг дастлабки кўнимчаларини онгига сингдирган ёки фаолиятини таъмагир, нафе йўлига кирган раҳбарларнинг кўл остида бошлаган, уларнинг йўриғига қараб иш тутишини ҳадисини олган, тажриба ортирган, ўзи ҳам вақт ўтгани, лавозими юқорилгани сари коррупционерга айланиб борган бўлиб чиқади.

Амалини суниестемол қилиш ёки бошқа қандайдир қинғирликлар ортидан мўмай даромад тўплайётган аксарият ота-оналар фарзандининг ҳам келгусида айнан ўзлари сингари йўлни танлашига ва ўзлари каби яшашларига эришишга ҳаракат қиладилар. Мақсадларига эришиш учун ҳарчанд чиқимни зиммаларига олади-лар. Фикрим далили сифатида бир мисол келтираман. Нуфузли олий даргоҳлардан бири саналган Тошкент давлат юридик университетидан 2017-2018 йил учун “супер” контракт миқдори 246 миллион сўм қилиб белгиланганди. “Супер” контракт билан мазкур даргоҳ талабаси бўлган фарзандининг яшаш, транспортда қатнаши, кийиши, айрим оралиқ ва якуний имтиҳонларни топширишида чўнтак кавлашдан бошқа чораси йўқлиги ҳисобга олинса, ота-онанинг йил давомида ҳеч қурса юқоридаги сумманинги яримдан ортигини қўшиб сарфлашига тўғри келади.

Оиласининг эҳтиёждан ортиради, ўлеи ёки қизининг мазкур даргоҳда ўқиши учун бу қадар салмоқли чиқимни ҳар қимнинг ҳам иқтисоди кўтарармаслиги аниқ. Бундай имконият асосан катта бизнесга ёки мунтазам пора олиб туриш имкониятига эга бўлган, фарзандининг айнан шу олий даргоҳда қўл олишини қўлаверса,

ўқишни тутаганидан сўнг ишга қаерга жойлаштириши ҳам пухта чамалаб қўйган кишиларгагина асқотлади. Кириш тестига тўплаган баллари ҳатто контрактга ҳам етмаган абитуриентнинг билими қай даражада экани, қандай ўқиб чиқиб хусусида мулоҳаза юритиш ўзингизга ҳавола. Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қонун ҳимояси, инсон тақдирини дахлдор нуфузли бир хизмат ходимлари ишгирокда ўтказилган катта йиғилишда соҳа фаолиятига баҳо бераётган “ҳатто отини тўғри ёзолмайдиган ноинсофлар бор” деганини эслаш, бу гап замиридаги маъно мағзини чақирининг ўзи кифоя. Бундай “ноинсоф”лар кимнингдир арзу додини эшитиши, тақдирини ҳал қилишга тўғри келганида масалага қандай ёндашишлари тўғрисида хулосани ҳам ўзингиз чиқаринг!

Таълим соҳасида соҳа-корликларга барҳам бериш, шаффоғлига, абитуриент, талабалар билими адолатли баҳоланишига эришиш хусусида гап кетганида, олий даргоҳларга ўқишга киришда имтиёз берувчи танлов ва йўлланмалар хусусидаги айрим салбий кўринишларга ҳам тўхталмасдан бўлмайди. Мен 2015 йилга қадар бир неча йил мобайнида Зулфия номидаги Давлат мукофотида танлов ўтказувчи вилоят комиссиясининг адабиёт йўналиши бўйича ишчи гуруҳига раҳбарлик қилгандим. Мазкур мукофот соҳибаларига олий ўқув юртига тест синовсиз, давлат гранти асосида кириш имтиёзи берилиши ҳаммага маълум. Албатта бунинг замирида ўта иқтидорли ва билимдон қизларни рағбатлантириш, истеъодларини юзага чиқаришига янада кенг имконият беришдек улуг мақсад мужжасам.

Лекин шундай имтиёзни қўлга киритиши учун баъзида қизлари эмас, айрим ота-оналар слик-югуришган. Қайсидир маҳаллий ижодкорни “рози қилиб” мактабда ўқитган қизларининг номидан шэърлар ёздириб, маҳаллий ва ҳатто республика газеталарида “ижод”дан намуналарни эълон қилдиришган, нари борса, 100-200 ададда бир-иккита китобчасини ҳам чиқартиришган. Айрим комиссия аъзоларига учраб, уни голиб топиш хусусида илтимос ҳам қилишган. Мукофотга даъвогар қизи эса танлов пайтида “китобчаси”даги “шэърлари”нинг баъзи бир жумла ёки сўзларини изоҳлаш сўралганида оғиз очолмасди. Дарсликка киритилган шoir-ёзувчилардан бошқа замондош таниқли ижодкорларнинг сара асарларини кўя туринг, ҳатто исм-шарифларини, жанрларнинг фарқини билмайдиганлари ҳам учради. Қайсидир йили вилоят босқичида қатнашмаган қизнинг мукофотланганида таажубдан ёқа тутганми...

Эндиликда айрим соҳалар ходимларининг фарзандаларига ҳам олий ўқув юртларига киришда имтиёз берилмоқда. Танганинг икки томони бўлгани каби бундай имтиёзлар ҳам коррупционерларга қўл келмаётганимиз, деган табиий савол тугилади. Мен имтиёз таъсинома ёки йўлланма бериш ваколатига эга баднафе раҳбар учун фарзандининг қайсидир олий даргоҳга кириши ниятидаги ходими ёки ота-она мурожаатини ижобий ҳал қилишда улардан “соққа” ундириб имконияти мавжудлигини назарда тутганим. Яна бир жиҳати, бундай имтиёз туфайли айрим саводи ҳаминқадар, лаёқатсиз мактаб битирувчисининг олий ўқув юртига киришига йўл очилади.

Қонун моддаларида бошқа айрим жиноятларга нисбатан ҳолатдан келиб чиқиб, жазо-

ни енгилаштирувчи ва оғирлаштирувчи бандларнинг мавжудлиги тўғридир. Фикримча, коррупционерга жазо қатъий ва шафқатсиз бўлган, мол-мулки мусодара қилинган, жамиятда қонун устуворлиги ва жиноятга жазо муқаррарлиги амалда барча учун бирдай таъминланган тақдирда коррупцияга қарши курашда ижобий натижаларга эришиш мумкин. Суд жараёнларини очиқ ўтказиш, ОАВ воситалари ходимлари ишгирок этишига рухсат бериш судьянинг пора, ошанга-оғайнигарчилик эвазига ёки четдан босим ўтказилиши оқибатида айбдорга ён босишига, адолатсизликка йўл қўйишига имкон бермаган, тўғри жазо тайинлашига таъсирини ўтказган бўларди.

Албатта, бошқа соҳаларда, жумладан, таълимнинг барча бўғинларида ҳам касбининг фидойилари саналган, ҳалол фаолият юритишини умр мазмуни деб англаган, ибрат олувчи фазилатларга эга, кучи, билим ва тажрибасини аямай меҳнат қилаётган инсонлар кўп. Улар юксам эъоз-эҳтиромга лойиқлар. Шундайлар туфайли айрим иқтидорли ёшларнинг истеъодлари намоян бўлмоқда, пухта назарий ва амалий билимлари билан ҳаётда муносиб ўринларини топиб, эл-юрт хурматига сазовор бўлмоқдалар. Мамлакатимиздаги туб ислохотлар рўёбига салмоқли улушлари қўшилмоқда.

Жамиятдаги ўзгаришлар, турли соҳаларнинг ривожига ҳам, тараққиётдан орқала қолиши, таназули ҳам инсон омилига боғлиқ, Муайян мутахассислик эгаси ёки раҳбар ходим қанча чуқур касбий, маърифий билимга, кенг дунёқарашга эга бўлса, шунча тунан фикр юритади, эртаси, орқасидан хайрли ишлар, яхши ном қолишини ўйлаб иш тутаяди, натижада ўша жабҳа раванқ топаверади. Бунга фақатгина келажак авлод камолотига ана шундай ёндашиш, таълимнинг барча боғичлари фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, баҳолашда асосий мезон билим бўлишини таъминлаш, ушбу мезонни айланиб, ўтишнинг ҳар қандай кўринишлари пайини қирқиб чораларини кўриш туфайли эришиш мумкинлигини ривожланган давлатлар таъбирича яққол исботлаб турибди. Токи шу йўлдан борилмас экан, бошқа барча саъй-ҳаракатлар қўйилган натижани бериши қийиндир. Шу боис газетонларни ҳам мулоҳаза юритишга, бу улуг мақсадга этишимизда ўз ватанпарварлик улушларини қўшишга чорлаш ниятида таълим соҳасидаги негатив, коррупция мавзусини қаламга олдим.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,  
Республикада хизмат  
қўрсатган журналист,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
юшмаси аъзоси.



ҚИСКА  
САТРАЛДАР  
ЎҚИНИ!

“Brooke House College” ҳамда Тошкент давлат юридик университети ҳамкорликда “University Foundation Programme” (UFP) дастурини ишга туширди.

# Кадастр паспорти

## 3 кунда таъёр бўлиши керак!

Вазирлар Маҳкамасининг “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Фарғона вилояти Риштон туман “Давлат хизматлари маркази” орқали кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун фуқаролар томонидан қилинган мурожаатларга асосан ҳозирга қадар 3041 нафар фуқарога кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишининг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан туман “Давлат хизматлари маркази” орқали Қурилиш (реконструкция) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш юзасидан 1190 мурожаат бўйича фуқароларга фойдаланишга қабул қилиш даволатнома-си расмийлаштириб берилган. Тадбиркорлик фаолиятини юритишлари учун эса Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ер майдони 12,48 гектар бўлган 185 та ер участкаси “YERELEKTRON” ААТга киритилган бўлиб, шундан 60 та ер участкаси аукцион савдоларида сотилган бўлса, 116 та ер участкаси ҳозирда аукцион савдоларида мавжуд.

Ҳозирги кунда Кадастр соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан Кадастр паспорти-ни тайёрлаш объектнинг мураккаблугига қараб, қуйидаги муддатларда амалга оширилиши белгилаб қўйилган:

- а) кўчмас мулк объектларининг тураржойга оид қисми бўйича:
  - кўп квартирали уйдаги квартира — 3 иш кунига; чакка тартибига тураржой — 5 иш кунига;
- б) кўчмас мулк объектларининг нотураржойга оид қисми бўйича:
  - умумий майдони 100 кв.м. гача — 5 иш кунига;
  - умумий майдони 100 кв.м дан 1 000 кв.м. гача — 7 иш кунига;
  - умумий майдони 1 000 кв.м дан 5 000 кв.м. гача — 10 иш кунига;

умумий майдони 5 000 кв.м дан 15 000 кв.м. гача — 15 иш кунига;

умумий майдони 15 000 кв.м дан 50 000 кв.м гача — 20 иш кунига;

умумий майдони 50 000 кв.м дан ортиқ — 25 иш кунига; ажратилган ер участкалари бўйича — 3 иш кунига.

Кадастр (йиғмажилди) паспорти йўқолганда (яроқсиз ҳолга келганда) қоғоз ёки пластик шаклда янги кадастр паспорти икки иш кунини мобайнида берилади.

Филиал томонидан юқоридаги хизматлар билан бир вақтда Фарғона вилояти ҳокимининг 2020 йил 19 октябрь кунги “Кўчмас мулк объектларини кадастр ҳисобига олишни такомиллаштиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Риштон туман ҳокимининг 2020 йил 21 октябрь кунги “Кўчмас мулк объектларини кадастр ҳисобига олишни такомиллаштиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги мавжуд 69 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўчмас мулк объектлари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.

**Равшанбек МИРЗААХМЕДОВ,**  
филиал раҳбари

### “Фурқат” да хатлов

Айни пайтда филиал мутахассислари томонидан Фурқат туманидаги мавжуд кўчмас мулк объектлари тўлиқ хатловдан ўтказилди.

Хатлов натижаларига кўра, Фурқат туманида 34 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, туман ҳокимининг қарори билан хатлов режаси бўйича кўчмас мулк объектлари сони 23 минг 875 та. Шундан 1870 та нотурар объектлар, 4000 та бўш ер участкаларининг умумий ер майдони 3391 га белгиланган. Корхона томонидан Давлат кадастрлар ягона тизими харитасини яратишда туманда 1028 та кўчмас мулк объект 119 га ер майдони аниқланиб, маълумотлар электрон базаси яратилган.

Шу билан бирга тайёрланган кадастр ҳужжатлари асосида яратилган “Кўчмас мулк-3” дастурий таъминот маълумот базасида кўчмас мулк объектлари 24923 тани, умумий ер майдони 3575 га ни ташкил этган. Ҳозирда ўтказилган хатлов натижасига кўра кўчмас мулк объектлари сони 1028 тани, ер майдони 119 гани ташкил этиб, юқоридаги дастлабки

аниқланган ҳолатга нисбатан 1028 та кўчмас мулк объектлари кўп аниқланди. Шундан бўш ер участкалари сони 1028 тани, ер майдони 119 гани ташкил этади.

Хатлов натижасида қўшимча аниқланган ҳолатлар ҳозирда филиал мутахассислари томонидан “Кўчмас мулк-3” дастурий таъминоти-га киритиш ишлари бажарилмоқда.

Филиал архивдаги мавжуд кадастр ҳужжатлари ўрганилганда туман бўйича 17654 та тураржой, 162 та хонадон, 1870 та нотураржой объектлари, 22 та деҳқон хўжалигига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиб, давлат рўйхатидан ўтказилган. Шундан техник ҳужжат 4250 та, Абриз 1055 тани ташкил этади.

**Асрорбек ЖАЛОЛДИНОВ**  
филиал раҳбари,  
**Файратжон АКРАМОВ,**  
КМЗ дастури мутахассиси

Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар 1 сонли касб-хунар мактабида ана шу шиор остида спорт мусобақасини ташкил этдик.

## “Covid 19 ни спорт билан енгамиз!”

Мусобақада 87 нафар ёш спортчи қатнашиб, “Ўзбек жанг санъати” бўйича беллашишди. Мусобақа иштирокчилари шаҳарнинг барча маҳаллаларидан келган 5 ёшдан 15 ёшгача болалардан иборат бўлди. Бир қанча спорт тўғрараклари тренер ва мураббийлари ҳақамалар ҳайъатини ташкил этиб, иштирокчиларни ҳаққоний баҳолаб



боришди. Голибларга медаль, диплом ва партия фаворитлари ҳамда ҳомиёлар томонидан ташкил этилган қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Ойбек ҚОРАҚУЛОВ,**  
Ўзбекистон экологик партияси Ангрэн шаҳар партия ташкилотни раиси

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2021 йил 26 январь куни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидеги очиқ аукцион савдоларини ўтказилади!

Аукцион савдоларида Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри Тошкент йўли кўчаси 90 уйда жойлашган Тошкент вилояти Маданият бошқармаси балансидаги 1992 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01/257 МАА бошланғич баҳоси 5 263 800 сўм бўлган “ГА3-2410” русумли; Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Кичик халқа йўли кўчаси 2 “А” уйда жойлашган «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК ТШТТ филиали балансидаги 2017 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01/710WGA бошланғич баҳоси 138 742 927,29 сўм бўлган “САРТИВА” русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 3 (уч) кун аввал

соат 18-00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридеги закалат пули “TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO” МЧЖнинг АТИБ “Ипотекабанк” Шайхонтохур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб, йиғирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдорини сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузлуғига қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур мулклар юқорида белгиланган савдо кунидан

сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар сешанба кунлари ўтказилади. Ушбу мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри Миробод тумани Амир Темурали кўчаси 14 уй 8 хона.

Мурожаат учун алоқа воситалари — телефон: (71) 209-23-41; телефакс: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

### Эълон

## “Regionlararo mulk markazi” МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидеги ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

МЧЖ “XXI ASR” ижтимоий-сиёсий газетасининг 2020 йил 24 декабрдаги №183 сонли буюртманомасига асосан Тошкент шаҳар Миробод тумани Нукус кўчаси 73 “а” уй манзилида сақланаётган автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

1. “Дамас” русумли давлат рақами 01/947 УВА бўлган 2008 йилда ишлаб чиқарилган бошланғич баҳоси — 20 237 000 сўм. Аукцион савдолари 2021 йил 25 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушиқ). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати: 2021 йил 22 январь куни соат 16:00 да.

2021 йил 25 январь куни сотилмаган тақдирда такро-

рий савдолар 8 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар қабул қилиш муддати савдо кунидан бир кун аввал тўхтатилади. Кимосиди савдоси голибига 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “DAVR-BANK” Олмазор филиали х/р: 22604000505265882001 МФО: 01121, СТИР: 307638956 га ўтказишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар Миробод тумани С.Азимов кўчаси 5 тор 5 уй. Тел.: (90) 971-20-00 (97) 155-08-21

Гувоҳнома №.880847



2021 йилга кўчирилган Токио Олимпиадасининг умумий харажатлари 1,64 триллион йена (15,9 миллиард доллар)ни ташкил этмоқда.

Ноябрь ойи охирларида ижтимоий тармоқлар газ ва "свет" муаммосидан "портлади". Қайси тармоқча кирманг, кимдандир эшитманг, шу аҳвол. Жамоатчилик назорати айна шу: муаммони кўтариш. Айтмаса ҳам бўлмайдиган аҳволга келиб қолдик. Одамлар эрмак қилганидан "аюҳаннос" солмаяпти, жонидан ўтганидан "дод" деяпти. Ўргимчак тўрида "газ бер, свет бер, мен халқман" деган нолалар тинмай айланыпти.

## "...Илтимос, сувни ҳам ўчиринглар!"



Мени доим бир савол қизиқтиради, ёз охирида "Фалончи туманда куз-қиш мавсумига тайёргарлик қўрилмоқда". Орадан бироз вақт ўтиб, яна ҳамма жойда бонг урилади, "Биз куз-қиш мавсумига тайёргарлик!" Юртимизга совуқ ҳаво оқими кириб келиши билан табиий газ босими тушиб кетди, электр энергияси ҳам бардош беролмаяпти. Қани ўша мавсумга тайёргарлик ва "тайёргарлик" деб, узундан-узун ҳисоботлар ёзганлар? Аслида қишга кириб келишимизни "Сугур кун" деса бўлади. Ҳар йили айна бир хил воқеалар такрорланаверади.

Олдин, газ пасаяди (ё умуман ўчади), "свет отворади", трансформатор ёниб кетади, унинг қора тутуни ҳавога сингиб кетади. То кунлар илимагунча ҳар ерга қўнғироқлар, ташкилотларда жанжал. Сўнг туман мутахассислари келади. Муаммони у ер бу ердан ҳал қилган бўлади. Янги "труба" янги "кабель" ўрнатдик дея кўксига уради, хонадонингизга кириб баланд ёниб турган газни суратини олади-кетади. Сиз хурсандсиз уйга газ келди, свет ўчмайди деб кўнглини тўқ қиласиз. Орадан бир кун ҳам ўтмайди, кечга яқин совуқ тушади газ ё ўчади, ё шамдек "ўлай" деб ёнади. Свет эса "дискотека"даги чироқлар каби ўйинга тушади. Ярим кечаси яна маҳалладошлар оғир қадам билан уйдан чиқиб келади, норози қиёфада чунки уйда бетоб онаси бор, ҳомилалор аёли бор, жажжи гўдаклари бор. Ноилж яна ялиниб таниш рақамларга қўнғироқ қилади. Эрталаб чаён чаққандек зириллаб уйғонади, ишга кетиш ўрнига хотин, бола-чақасини онасиникига обориб ташлайди.

Ноира СУЛАЙМОНОВА,  
ЎЗЖОКУ талабаси

### Газетамизнинг навбатдаги сони 2021 йил 8 январда чиқади.

**ЖАМИЯТ**  
Муассислар:  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.  
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.  
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий

ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.  
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
Ўзбекистон экологик ҳаракати.  
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Бош муҳаррир  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ  
Таҳрир хайъати:  
Рустам Комилов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Раҳмат Маматов  
Нуриддин Убайдуллаев  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Ақтам Хайитов  
Аҳдам Икромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-1214 Адади: 1052.  
Жўма кун чиқади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табок.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.  
ISSN 2010-7722

Навбатчи: Маъсуда Ёқубова  
Дизайнер: Беғали Эшонқулов  
100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55  
Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта: jamiat@mail.uz  
Газета индекси — 131  
"ЖАМИЯТ" дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Ўза яқуни:  
Топширилган вақти: 22:15  
1 2 3 4 5 6

## "Ўзметкомбинат" АЖга

қарашли бўлган қуйидаги объектлар очиқ аукцион савдоси орқали сотувга қўйилганини эълон қилади:

1. Тошкент вилояти Бекобод шаҳар Ўзбекистон МФЙ Сирдарё кўчасида жойлашган "DONATA PHARMA" МЧЖнинг мол-мулки, умумий ер майдони 9479 м<sup>2</sup>.  
Бошланғич баҳоси 39 473 587 384 сўм.
2. Жиззах вилояти Янгиобод тумани "Шовот" ҚФЙ Соҳибкор қишлоғи ҳудудида жойлашган "УМК ЯНГИОБОД ЧОРВА" МЧЖ (қўйчилик фермаси), умумий ер майдони 13,18 га, (қўшимча чорвачилик учун 409,24 га ер 40 йил муддатта ажратиб берилган).  
Бошланғич баҳоси 9 664 260 376 сўм.
3. Тошкент вилояти Бекобод шаҳар "Навой" маҳалласида жойлашган "БЕКОБОД-УМК-ПАРРАНДА" МЧЖ (Паррандачилик ва чўчкачилик фермаси), умумий ер майдони 4,8 га.  
Бошланғич баҳоси 10 466 393 210 сўм.
4. Тошкент вилояти Бекобод шаҳри Меъмор кўчаси 1 уйда жойлашган "ВЕКОВОД G'ISHT INVEST" МЧЖнинг мол-мулки, умумий ер майдони 9,16га.  
Бошланғич баҳоси 11 448 133 000 сўм.
5. Тошкент вилояти Беко-

- бод шаҳри Меъмор кўчаси 266 уйда жойлашган "Avtobus taksi saroyi" МЧЖнинг мол-мулки, умумий ер майдони 3,9 га.  
Бошланғич баҳоси 11 065 399 000 сўм.
  6. Тошкент вилояти Бекобод тумани "Илғор" МФЙда жойлашган "Балиқчилик" умумий ер майдони 10,2 га. (ер участкасига бўлган ҳуқуқ тури: ижара, фойдаланиш муддати: 49 йил).  
Бошланғич баҳоси 3 990 275 000 сўм.
  7. Тошкент вилояти Бекобод тумани "Оқтепа" МФЙ Обихаёт кўчасида жойлашган "УМК ВЕКОВОД CHORVA" МЧЖнинг мол-мулки, умумий ер майдони 12,5 га.  
Бошланғич баҳоси 35 554 233 000 сўм.
- Юқорида кўрсатиб ўтилган объектларни сотиб олиш учун савдо ташкилотчиси "Кўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг манзили бўйича мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Ҳамид Олимжон кўчаси 13 А уй.  
Телефон: (95) 199-12-21,  
сайт: www.1kms.uz., Email: kmsxuz@inbox.uz.

## "Ўзметкомбинат" АЖ

қуйидаги объектларини танлов асосида сотишини эълон қилади

1. Тошкент вилояти Бекобод шаҳри "Меъмор" кўчаси 39 уйда жойлашган умумий ер майдони 3200 кв.м.дан иборат бўлган ДП "Бекобуд Траст бизнес" универсал улгуржи савдо базаси биноси.  
Бошланғич баҳоси — 554 868 100 сўм.
2. Тошкент вилояти Бекобод тумани "Тақачи" МФЙ ҳудудида жойлашган умумий ер майдони 26 955 кв.м.дан иборат бўлган "Ферма" биноси.  
Бошланғич баҳоси — 2 053 603 300 сўм.
3. Тошкент вилояти Олмалик шаҳри Ойдин ҳаёт кўчасида жойлашган умумий ер майдони 3000 кв.м.дан иборат бўлган "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси".  
Бошланғич баҳоси — 610 766 000 сўм.
4. Тошкент вилояти Оҳангарон тумани "Телов" маҳалласи "Сартошсой" ҳудудида жойлашган

- умумий ер майдони 203 746 кв.м.дан иборат бўлган "Оҳангарон" (Титов) номи болалар оромгоҳи.  
Бошланғич баҳоси — 1 608 709 700 сўм.
- "Ўзметкомбинат" АЖ асосли сабабларга кўра нархни тенг қисмга тўлаш билан объектларни қисмларга бўлиб сотиш имкониятини кўриб чиқиши мумкин.  
Объектларни танлов асосида сотиб олиш бўйича таклифларни қабул қилишининг охири муддати 2021 йил 4 январь соат 15:00 гача.  
Юқорида кўрсатилган объектларни сотиб олиш учун Бекобод шаҳар Сирдарё кўчаси 1 уйда жойлашган "Ўзметкомбинат" АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.  
Мурожаат учун тел.: (70) 214-09-10.  
Электрон сайтимиз www.uzbeksteel.uz.  
Электрон почта: info@uzbeksteel.uz

Инвестициялар ва ташқи савдо соҳасига доир вазифалар белгиланди.

 QISHLOQQURILISHBANK


*барча юртдошларимизни  
Янги йил байрами билан  
муборакбод этади.*


*Байрам муносабати билан  
янги мобил иловани тақдим этади.*

 QISHLOQQURILISHBANK

# QUANT

Bank yo'lingizda emas,  
qo'lingizda bo'ladi!

 Google play

 App store



[www.qqb.uz](http://www.qqb.uz)

Хизматлар лицензияланган



Буюк Британия олимлари коронавируснинг янги штамми тарқалаётгани ҳақида маълум қилишди. Таъкидлашича, бу турнинг аввалги коронавирус инфекциясига нисбатан юқумлилиги 71 фоиз бўлиб, одатий COVID-19 га қараганда ўта юқумлидир.